

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

1928 йил 11 декабрда асос солинган

Сен – қудрат манбаи, саодат маскани, жонажон Ўзбекистоним!



САЛОҲИЯТЛИ КАДРЛАР – МАМЛАКАТ ТАРАҚҚИЁТИНИНГ КАФОЛАТИ

Мамлакатимизда ис-
тиқболли кадрларни
аниқлаш, саралаш ва улар билан тизимли равишда ишлаш масаласи ҳар қачонгидан ҳам долзарб аҳамият касб этмоқда. Чунки, юртимиз келажаги ва унинг тараққиёти бевосита улар билан боғлиқдир.



Шу қаторда ёшларни давлат фуқаролик хизматига жалб қилишнинг бугунги кундаги аҳамияти, келгусида уларни ма-
лакали кадрлар бўлиб етишишни таъминлаш мақсадида амалга оширилган ишлар хусусида мухбиримиз Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузурдаги Давлат хизматини ривожлантириш агентлигининг Тошкент вилояти филиали Инсон ресурслари ва кадрлар салоҳиятини ривожлантириш бўлими бош инспектори Элдор Исаев билан суҳбатлашди.

– Элдор ака, аввало, давлат хизматчиси ким ва бу вазифада кимлар ишлаши мумкинлиги ҳақида тўхталиб ўтсангиз.

– Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 3 октябрдаги “Ўзбекистон Республикасида кадрлар сиёсати ва давлат фуқаролик хизмати тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармони асосан давлат хизмати икки турга ажратилади. Биринчиси, фуқаролик хизмати бўлиб, давлат фуқаролик хизмати лавозимларининг давлат реестрига киритилган лавозимларда фаолият юритиш ҳисобланади, ушбу лавозимларда мамлакат фуқаролари ишлашлари мумкин. Хорижий давлатларнинг фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахслар эса Президентнинг алоҳида қарорлари билан ўрнатилган тартибда давлат фуқаролик хизматчиси лавозимини эгаллаши мумкин.

3



ҚАДДИ БАЛАНДА УЙЛАР, ҚАДРИ БАЛАНДА ОДАМЛАР

Сўнгги йилларда мамлакатимизда аҳолини сарзон, сифатли, харид имкониятлари қулай бўлган уй-жойлар билан таъминлашга алоҳида

эътибор қаратилмоқда. Хусусан, вилоятимизнинг барча ҳудудларида ана шундай кўп қаватли замонавий янги тураржойлар қад кўтараяпти.

Инвестиция:

корхоналар истиқболи учун муस्ताҳкам замин

Бугун ҳудудларда инвестиция жозибадорлигини ошириш ҳар жиҳатдан муҳим. Шу боис, Янгийўл туманида ҳам sanoat ишлаб чиқариш ҳажмини сезиларли даражада ошириш, туман аҳли учун бўш иш ўринлари яратиш ҳамда ҳудуднинг экспорт салоҳиятини кўтаришга имкон берадиган кўплаб истиқболли лойиҳалар ҳаётга татбиқ этилмоқда.



Жумладан, 2020 йилда туманда 105 та инвестицион лойиҳа асосида 2 минг 114 та иш ўринлари яратилиши режалаштирилган эди. Шунга қўра, йил бошидан ҳозирга қадар иш ўрни 567,5 млрд. сўм бўлган 56 та инвестиция лойиҳасининг амалиётга татбиқ этилиши натижасида ҳудудда 1 минг 26 та янги иш ўрни вужудга келди (иш жойларини 676 нафарини ёшлар, 242 нафарини хотин-қизлар банд этган).

2

Биргина Янгийўл тумани мисолида оладиган бўлса, тумanning “Гулбаҳор” маҳалла фуқаролар йиғини ҳудудида 4 қаватли, 24 хонадондан иборат янги тураржой мажмуаси барпо этилди. Аҳамиятлиси, мазкур уйлар эгаларига тўлиқ таъмирланган ҳолда топширилмоқда. Хонадонларда яшаш учун барча қулайликлар яратилган.

Таъкидлаш жоизки, ушбу ҳудудда жорий йилнинг июль ойидан бошлаб, яна иккита кўп қаватли уйнинг қурилиши бошланган. Мазкур тураржойлар “Қишлоқ қурилиш инвест” инжиниринг компанияси буюртмаси асосида “Sherdor stroy invest” масъулияти чекланган жамияти қурувчилари томонидан бунёд этилмоқда.

– Ҳозирда объектимида 30 дан ортиқ ишчи ишляпти, – дейди “Sherdor stroy invest” МЧЖ директори Анвар Раҳимов. – Улар махсус кийим-бош ҳамда санитария-гигиеник воситалар билан таъминланган. Ишчилар карантин талабларига тўлиқ риоя қилишлари қатъий назоратга олинган. Мазкур иншоотларни Янги йил байрами арафасида фойдаланишга топширишни режалаштирганмиз.

Ўз мухбиримиз
Мансур НАХАЛОВ
олган суратлар

Шукуҳ

ВИҚОР БИЛАН ХИЛТИРА-АЙВЕР, юртим байроғи!

Мамлакатимиз Мустақиллигининг 29 йиллик шодиёналари арафасида ТОШКЕНТ тумани марказида Ватанимизнинг улкан Давлат байроғи ўрнатилди.

Байроқ минорасининг баландлиги 50 метр, байроқнинг узунлиги 12 метр, эни 6 метрни ташкил этади. Улкан байроқ янги қурилган туман тиббиёт бирлашмаси ва кўп қаватли уйлар олдидаги майдонга ўрнатилиб, Келес йўли марказий кўчаси бўйлаб туманга кириб келишда салобат тўкиб ҳилпираб турибди.



Боғдорчилик

ЧИНОЗНИНГ Қирмизи олмалари

Чиноз туманидаги “Абдурахимов Элёр боғи” фермер хўжалигида насосан олманинг “Семеренко” ва “Беш юлдуз” навлари етиштирилади. Бу олмаларни есангиз “Баракалла боғбон, қўлингиз дард кўрмасин”, дейишингиз тайин.

Тарам-тарам бўлиб товланиб турган олмаларнинг кўриниши ҳам, мазаси ҳам ажойиб.
– Мевали дарахтлар яхши парвариш қилинса, албатта, мўл ҳосил билан сийлайди, – дейди хўжалик раҳ-

бари Элёр Абдурахимов, – Масалан, “Семеренко” нави 4-5 йилда жуда яхши ҳосилга қиради. Битта дарахтдан 16 кгдан, ҳатто, 100 кггача ҳосил олиш мумкин. “Беш юлдуз” навининг харидори кўплигини билсангиз керак. Чиройли

кўриниши билан дастурхонни безаб турувчи олмаларни узиб улгурмасимиздан сотиб олишди. Иккала навининг меваси совуққа чидамли, тўғри сақланса келаси йилгача серсувлигини йўқотмайди. Кўргангиздек, ҳосилимиз мўл. Бу йилги даромаддан боғларимизни кенгайтириб, яна бошқа мевали дарахтлар экишни режалаштирганмиз.
К. САЛОМОВА



Мансур ҲИММАТОВ олган сурат

– Бугунги кунда Янгийул туманида хорижий ҳамкорлик борасида дунёнинг кўплаб давлатлари билан самарали алоқалар йўлга қўйилган, – дейди вилоят ҳокимининг ўринбосари Жамшид Абдусаломов. – Айниқса, Хитой, Сингапур, Малайзия, Италия, Голландия, Бельгия, Туркия, Швейцария, Россия ва Қозоғистон давлатлари билан



Инвестиция:

корхоналар истиқболи учун муштаҳкам замин

энг кўп ҳамкорлик олиб борилмоқда. Рақамлар кесимида таҳлил этадиган бўлса, қишлоқ хўжалигида 12 та инвестицион лойиҳа асосида 136 та, аҳолига хизмат кўрсатиш ва сервис йўналишидаги 19 та лойиҳа асосида 197 та, саноат йўналишидаги 25 та лойиҳа асосида 693 та иш ўрни яратилди.

Туманда йирик инвестиция лойиҳалари асосида ишга туширилган янги корхоналардан бири "Фаровон" маҳалла фуқаролар йиғини ҳудудида жойлашган «Янгийул текстиль» масъулияти чекланган жамиятидир.

Мазкур корхона бугунги кунда истеъмол бозорига пишиқ ва пухта ип-калага маҳсулотлари ишлаб чиқаришни кенг йўлга қўйган. Лойиҳа қиймати

(Давоми. Бошланиши 1-саҳифада)



203 млрд. 670 млн. сўмни ташкил этадиган мазкур корхонада 250 та иш ўрни яратилди. Корхона ишга туширилгандан ҳозиргача 6 млн. АҚШ долларига яқин ип-калага маҳсулотлари экспорти амалга оширилди.

Туман ҳудудида фаолият юритаётган "Berad Agro" масъулияти чекланган жамияти мева-сабзавотларни қайта ишлашга ихтисослашган. Маз-

кур корхонада турли мевалар, бўлғор қалампир, помидор ва бошқа сабзавотларга янги технология асосида қайта ишлов берилиб, тайёр маҳсулот қадоқланиб, ички ва ташқи бозорга йўналтирилмоқда. Лойиҳа қиймати 23 млрд. 950 млн. сўмни ташкил этган корхонага барча ускуналар хориждан келтирилиб ўрнатилган. Ҳозирда бу ерда 180 та янги иш ўрни яратилди.

Қувонарлиси, ҳозирга қадар корхонада ишлаб чиқарилган 20 млн. АҚШ долларига яқин жаҳон андозаларига мос, сифатли ва рақобатбардош маҳсулотлар хорижга экспорт қилинди.

Вилоят Инвестициялар ва ташқи савдо бошқармаси ахборот хизмати маълумотлари асосида тайёрланди.

“Ўзбектелеком” АК

Тошкент филиали жамоаси

азиз ҳамюртларимизни

UZTELECOM

Муштақиллигимизнинг 29 йиллиги билан табриклайди!

Байрам хонадонларимизга шодлик, қувонч ва бахт олиб кирсин.

Дастурхонларимиздан файз-баракка аримасин!




Юқори Чирчиқ тумани тиббиёт бирлашмаси жамоаси ҳалқимизни

Муштақиллигимизнинг 29 йиллиги

билан самимий табриклайди!

Ватанимиз равнақи йўлидаги меҳнатингиз унумли ва баракади бўлсин. Хонадонларимиздан файзу тароват, тўкин-сочинлик аримасин.

Истиқлол айёми барчамизга муборак бўлсин, азизлар!



Реклама ҳуқуқи асосида

“Ўзметкомбинат” АЖ

касба уюшмаси қўмитаси

барча юртдошларимизни, оловқалб металлурглари тобора яқинлашиб келаётган

Мустақиллигимизнинг

29 йиллиги

билан самимий муборакбод этади.

Истиқлол шодиёнаси ва шуқуҳи ҳар бир хонадонга, металлурглари оиласига қувонч, файзу тароват олиб келсин. Қалбларда эзгулик ва яхшилик бардавом бўлсин. Хонадонингиздан тўкин-сочинлик, қут-барақа аримасин, ҳар бир кунимиз эзгу ниятларга ҳамроҳ бўлсин.

Юртимизни, диёримизни бало-офатлардан Аллоҳнинг ўзи асрасин. Мустақиллик айёми барчамизга қутлуғ бўлсин, азиз металлурглари!

Сен – қудрат манбаи, гўзал бир маскан,
Саодат элининг гавҳари ўзинг.

Қуёш нури ила мадҳингни ёзган,
Доим янгроқ бўлсин, бор бўлсин сўзинг!

(Ашурели БОЙМУРОД)

ОҲАНГАРОН ТУМАНИ ЙЎЛЛАРДАН ФОЙДАЛАНИШ унитар корхонаси жамоаси барча юртдошларимизни

Истиқлолимизнинг

29 йиллик

байрами билан қизгин муборакбод этади!

Эришаётган ютуқларимиз бардавом, йўлларимиз равон бўлсин!



ЎРТА ЧИРЧИҚ ТУМАНИ

йўллардан фойдаланиш
унитар корхонаси
жамоаси

барча
юртдошларимизни

Ватанимиз

Мустақиллигининг

29 *йиллик шодийнаси*

билан қутлайди!

*Мамлакатимизда барқарор тинчлик, бирдамлик,
фаровонлик, бахт-саодат абадий бўлсин!
Байрамингиз муборак бўлсин, азизлар!*

